

## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА БОЛАЛАР МЕХНАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ АНЪАНАЛАРИДАН Фойдаланиш масаласи

*Раҳматулла Шермухамедов*

*Педагогика фанлари номзоди, доцент*

*Қундузой Каримжоновна, ЧДПУ талабаси*

**Аннотация:** мақолада умумий ўрта таълим мактабларида болалар меҳнатини амалга оширишда халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланиш масаласи тўғрисида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** болалар, меҳнат, таълим, мактаб, педагогика, халқ, анъана, билим, кўникма.

“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да мамлакатимизда сифатли таълимга эришиш вазифалари белгиланган [1]. Ушбу масалалар доирасида умумий ўрта таълим мактабларида болалар меҳнатини амалга ошириш ва унда халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ўринда эътиборингизни ана шу масаланинг умумий таҳлилига тортаман.

*Болалар меҳнати* - бу умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг жисмоний, руҳий ва ақлий имкониятларига мос бўлган, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган ва хавфсиз шароитларда амалга ошириладиган меҳнат туридир [2]. Шу жиҳатдан мазкур талаблар асосида амалга ошириладиган болалар меҳнати уларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш, меҳнатсеварлик фазилатларига ўргатиш ва меҳнат натижаларидан оқилона фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш билан муҳим аҳамиятга эга. Мазкур масаланинг ўзига хос механизмларини ва асосларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди. Ана шундай муҳим механизмлардан бири халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланишдир.

*Халқ педагогикаси* – асрлар давомида халқимизнинг ҳаёти, турмуш-тарзи ва қадриятларига асосан шаклланган ҳамда даврлар тажрибасидан ўтган таълим ва тарбияга оид анъаналар, ёндашувлар ҳамда услублар мажмуидан иборат [3]. Шу сабабли халқ педагогикаси анъаналари ўзига хослиги, миллий талабларга мослиги ва қулайлиги билан муҳим тарбиявий аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай анъаналардан болалар меҳнатини ташкил этишда фойдаланишнинг масалаларини ишлаб чиқиш жолзарб бўлиб турибди.

Умумий ўрта таълим мактабларида болалар меҳнатини амалга оширишда халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланишнинг асослари ва омилларини ижрок этиш ҳамда мазкур масала бўйича амалий шаклларни ишлаб чиқиш бизни

қизиқтирадиган илмий йзналишдир. Бунинг учун қуйидагиларни тадқиқ этиш ва улар асосида қулай ҳамда осон фойдаланиш шаклларини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- болалар меҳнатини амалга ошириш мазмунини аниқ белгилаб олиш;
- халқ педагогикаси анъаналаридан болалар меҳнатини амалга оширишда фойдаланиш заруриятини асослаш;
- болалар меҳнатини амалга оширишда халқ педагогикаси ёндашувларидан ва тажрибасидан фойдаланиш шаклларини ишлаб чиқиш;
- болалар меҳнатини амалга оширишда халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланишнинг аҳамиятини белгилаш.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш долзарпб бўлиб турибди. Бунинг учун амалга ошириладиган илмий тадқиқот асосларини белгилаб олиш ҳам зарурият ҳисобланади. Бунда қуйидагиларга таяниш кутилган самрани беради:

- 1) халқ педагогикасининг энг яхши анъаналарини ўрганиш;
- 2) болалар педагогикаси бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларда илгари сурилган қарашларга таяниш;
- 3) болалар меҳнати бўйича мавжуд меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олиш ва уларга асосланиш;
- 4) болалар меҳнатига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб халқ педагогикаси тажрибаларидан фойдаланишнинг шаклларини таркиб топтириш.

Бундай ёндашув болалар меҳнатини амалга оширишда халқ педагогикасидан фойдаланиш муаммосини тўғри тадқиқ этиш имконини беради.

Мазкур масалалар бўйича биз томонимиздан дастлабки босқичда ўрганишлар, изланишлар ва таҳлиллар амалга оширилди. Натижада қўйилаётган муаммони тадқиқ этишнинг назарий, методик ва амалий имкониятлари белгилаб олинди.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, болалар меҳнатини ташкил этиш ва уни амалга ошириш масаласи бўйича хорижий мамлакатлар педагогик тажрибасида ҳам ўзига хос ёндашувлар мавжуд. Бу борада айниқса, АҚШ, Россия Федерацияси ва Германия Федератив Республикаси педагог олимлари томонидан ўзига хос тадқиқотлар мажмуи амалга оширилган [4]. Бундай тажрибалардан фойдаланиш ва қўйилаётган масала бўйича тадқиқот жараёнида уларга муносабат билдириб ўтиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Эътибор берилса, болалар меҳнатини амалга оширишда халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланиш масаласи ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шу сабабли мазкур масала бўйича кенг қўламли тадқиқотни амалга ошириш долзарпб бўлиб турибди.

Халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланган ҳолда болалар меҳнатини амалга ошириш муаммосини тадқиқ этишда биз қуйидаги энг муҳим манбаларга бирламчи ва устуворлик нуқтаи назаридан таяндик:

- а) амалдаги таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- б) болалар меҳнатини ташкил этишга доир миллий педагогик тажриба;
- в) болалар меҳнатини амалга оширишнинг асослари бўйича хорижий педагогик анъаналар.

Ушбу манбалар тадқиқотимизнинг назарий ва методологик асослари сифатида белгиланди. Бунинг натижасида тадқиқотда қўйилган муаммо бўйича кенг қўламли таҳлил жараёнини амалга ошириш имкониятига эга бўлинди.

Умуман умумий ўрта таълим мактабалрида болалар меҳнатини амалга оширишда халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланиш муаммосини ўрганиш жамиятимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичида долзарб бўлиб турибди. Чунки жамиятимиз ривожига ҳалол меҳнат компетенциясига эга бўлган шахсларга бўлган эҳтиёжларни намоён этмоқда.

Шундай қилиб болалар меҳнатини амалга оширишда халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланишнинг илмий, назарий ва методик масалаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалага доир ёндашувлар янгиланиб бораётганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

#### **Адабиётлар:**

1. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. // [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
2. Хасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Тошкент, 2009
3. Халқ педагогикаси. Муаллифлар жамоаси. –Тошкент, 2016
4. Бордовкая Н., Реан А. Педагогика. – Санкт-Петербург, 2001